

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Захириддин Муҳаммад Бобур номли Андижон Давлат
Университети

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети

Миллий ғоя , маънавият асослари ва ҳуқуқ кафедраси

**МАВЗУ: “ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МАИШИЙ
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИНИНГ НАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ”**

Биттирув маънавий иши

Бажарди:

О.Мадрахимов

Илмий раҳбар:

кат.ўқ. М.Содиқова.

АНДИЖОН -2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I. 606. МАИШИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Шартнома тушунчаси ва унинг аҳамияти.

1.2. Маиший пудрат шартномаси тушунчаси ва унинг моҳияти.

II 606. МАИШИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

2.1. Ишни тарафларнинг материалдан фойдаланиб бажариш тартиби.

2.2. Шартнома бўйича келиб чиқадиган жавобгарлик асослари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ.

Бозор муносабатлари шароитидагина тўла қайта тенгланганлиги ва унга яратилган ижтимоий иқтисодий шартлар ҳуқуқий асослар, маиший пудрат шартномасининг фуқаролик ҳуқуқининг субъект сифатида иштироки ва унинг фаолиятининг жисмоний шахслар ўртасида кундалик ҳаётда ўта муҳим ва зарур бўлган шартномалардан бири эканлиги қонунчилигимизда ва ҳаётимизда ўз исботини топмоқда. Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халқ абадий қадириятларини, қудратли салоҳиятини ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий этишининг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади¹.

Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатларнинг ислохатлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради. Бу омилнинг кучи ва таъсири энг аввало юксак маънавият билан жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. “Ҳуқуқий нормалар одамлар” онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.²

Фуқароларнинг моддий эҳтиёжини таъминлаш учун транспорт воситалари ижроси шартномаси қонуний тартибда фуқаролар ўртасида тўғри ва бир-бирига нисбатан чуқур ҳурмат ва ҳуқуқий нормалардан четга чиқмаган ҳолда амал қилсалар, Президентимиз айтганидек ҳуқуқий нормалар одамлар онгига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўйобга чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш” тўғрисидаги 1991-йил 19-ноябрдаги қабул қилинган қонунга мувофиқ биринчи навбатда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналар яъни устахоналар, модалар ателеси, ва бошқаларнинг деярли барчаси хусусийлаштирилади. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш корхоналари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишмоқда.

Тадбиркорлар фаолияти билан шуғулланаётган ижарачи буюртмачи фуқаронинг талабига мувофиқ, унинг маиший эҳтиёжи ёки бошқа шахсий эҳтиёжини кондиритишга қаратилган маълум бир ишларни бажариб бериш мажбуриятини олади.

Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида “Мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидагидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари. Тошкент “Ўзбекитсон” 1997-йил. 252-бет.

² И.А.Каримов. “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Тошкент “Ўзбекистон” 1993-йил 72 – бет.

асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди”¹ деб бежиз айтмаган. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаровий жамиятини барпо этишда сезиларли натижалар қўлга киритилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларда қабул қилинган қонунларга асосан Ўзбекистоннинг сиёсий тизими, давлат қурулиши, ижтимоий иқтисодий ҳаётни тартибга солишга ҳамда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда, шулар туфайли фуқаролар ўртасидаги маиший пудрат шартномлари янада ривожланмоқда.¹

Давлатимиз томонидан фуқароларнинг тадбиркорлик ишларига кенг йўл очиб берилди. “Тадбиркорлик” тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳам биз фуқаролар учун кенг имконият ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий – сиёсий тузуми ва иқтисодий негизини унинг Конституциясининг 53-моддасида; “Бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулкчилик муносабатлари ташкил этади”

Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими мамлакатимизда адолатли, инсонпарвар жамият, кучли –ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришда фаол ва таъсирчан куч сифатида хизмат қилади. Ҳозирги вақтда хусусий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган пудратчи буюртмачи фуқаронинг топшириғига асосан унинг маиший эҳтиёжи ёки бошқа шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган маълум бир ишларни маиший пудрат шартномаси бўйича бажариб бериш мажбуриятини олади.¹

“Бугун янги демократик давлат: адолатли жамият қуриши, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни обод қилиш, шу муқаддас заминда яшаётган одамларга фаровон ҳаёт шароити яратиб бериш йўлида ҳалқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик фаолияти яққол намоён бўлмоқда”

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида юқорида келтирилган фикрларни бежиз билдирмаган.

Агар мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси

¹ И.А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Тошкент “Ўзбекистон” 1997 йил 201 бет

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Тошкент “Ўзбекистон” 1992-йил 53-модда

ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта миқдорларидан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши бунинг сиёсий асоси эканлигидир. Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламнинг кўпчиликини ташкил этиш мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолатлари ҳисобланади.

“Иқтисодий жиҳатдан собитқадам ва барқарор жамиятни шакллантириш масалларини кўриб чиқар эканмиз, энг аввало тадбиркорлик ва умуман мулкдорлар синфи давлат ва жамият қурилишида, ижтимоий сиёсий барқарорликни сақлаб туриши ва мустаҳкамлашда қандай роль ўйнашини назарда тутиш лозим. Айни ўрта мулкдорлар синфи шакллантираётган фуқаролик жамиятининг таянчидир”¹

Фуқаролик ҳуқуқи фанидан бизга маълумки, транспорт янги институтлардан ҳисобланади, бизнинг қонунчилигимизда аввал ёритилмаган. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинганидан кейин, ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида янги мулк² муносабатларининг вужудга келиши оқибатларида бу институт амалиётига кенг татбиқ қилиш фуқаролик ҳуқуқининг муҳим вазифаларидан бўлиб ҳисобланади, чунки бу институт бизга қадар инглиз-америка ҳуқуқ тизимида траснинг номи билан кенг тарқалган ҳуқуқ институтларидан ҳисобланиб келган.

Ҳозирги вақтда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларни яратувчи бир қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик, Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар, Ташқи иқтисодий фаолият, Чет эл инвестициялари, Валютани тартибга солиш ва бошқа қонунларни кўрсатиш мумкин.

Бу қонунлар ҳуқуқий муносабатларни мазмун жиҳатидан ҳам, намоён қилиш шакллари жиҳатидан ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Фуқаролик – ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тенглиги, мустақиллиги, ташаббускорлигига кенг йўл очилди.

Мулк³ий характердаги ҳуқуқий муносабатлар, яъни фуқаролар ва жамоаларнинг моддий бойликларни яратиш уларни эгаллаш, бу бойликларда фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўлган ўзаро ҳуқуқий муносабатларни ўз-ўзига тушунилмайди. Бу муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларидан, яъни ижтимоий муносабатлардан келиб чиқади ва улар билан чамбарчас ҳолда кўрилади.³

Мулк³ий муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий шакли

¹ Юридик энциклопедия Тошкент “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.

² И.А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида Тошкент “Ўзбекистон” 1997-йил 196 бет

³ И.А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида Тошкент, “Ўзбекистон” 1997- йил 196 бет.

юридик ифодасидир. Мулккий муносабатлар шахслар ўртасидаги, уларнинг эрклари билан боғлиқ, бўлган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тоифаси ҳуқуқий муносабатларни билдиради. Мулкнинг барча шаклини-ҳуқуқий ва оммавий мулкни мустаҳкамлаш ва тасарруф қилиш ҳуқуқлари белгилайди.

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг асарида иқтисодиёт ҳақида шундай фикр билдиради:

Ўзбекистонни дунёга танитиш ҳамкорлик ва жаҳон иқтисодиётига қўшилиши учун зарур ҳуқуқий ва шартномавий негизини яратиши борасида анча иш қилинди.¹

Битирув малакавий ишининг долзарблилиги: битирув малакавий иши мавзуси ҳозирги жамият тараққиёти даврида алоҳида ўринга эгадир. Фуқаролик ҳуқуқи фанида маиший пудрат шартномаси янгича тавсифга эга бўлган субъект ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг ўрганганлик даражаси. Битирув малакавий ишининг изланиш даражаси кўпроқ назарий билимларга асосланади. Битирув малакавий ишида шартнома тушунчаси, шартноманинг мазмуни ва моҳиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Маиший пудрат шартномасининг мазмуни, шартномадаги тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келиб чиқиш асослари ҳамда шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда келиб чиқадиган жавобгарлик асосларини ҳам назарий жиҳатдан ва адабиёт билан боғланган ҳолда очиқ боришга асосланади.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: маиший пудрат шартномасининг назарий ҳуқуқий асослари фуқаролик ҳуқуқи фанининг субъекти сифатида ва иштирокчиси сифатида ўрганишимиздан ва таҳлил қилишимиздан иборат. Битирув малакавий ишининг назарий томонлари ёритиб берилади.

Ҳозирда амалда бўлган қонунчиликка асосланиб, бозор муносабатларига ўтиш даврида маиший пудрат шартномасининг мамлакатимиз ички муомаласидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидаги иштироки масаласини таҳлил қилиб, уларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади.

Битирув малакавий ишининг объекти. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Фуқаролик ҳуқуқи соҳасининг шартнома муносабатлари тизимини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиллиги. Битирув малакавий иши назарий жиҳатдан амалиёт билан боғалнаган ҳолатда ўрганганлигидир

¹ И.А. Каримов Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида ҳавсизликка таҳдид, борқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Тошкент “Ўзбекистон” 1997-йил 194-бет.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти . Маиший пудрат шартмомаси жисмоний шахслар ўртасида кунадалик моддий эҳтиёжини қондиришда кенг қўлланилиши.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва хажми. Битирув малакавий иши кириш, 2та боб,хулоса ва адабиётлапр руйхатидан иборат бўлиб, матн компьютерда ёзилган, 59 бетдан иборат.

1.606. МАИШИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Шартнома тушунчаси ва унинг аҳамияти

Фуқаролик ҳуқуқида шартнома деб, икки ёки бир нега шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувларига айтилди.

Шартнома атамаси уч маънода яъни юридик факт; бирон-бир юридик фактга асосланган, моддий ёки номоддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабат; шахслар яъни фуқаролар ва ташкилотлар нима тўғрисида ўзаро келишсалар, шуни акс эттирувчи, ифодаловчи ҳужжат маъносида ишлатилади. Бизда эса у ўзининг биринчи маъноси –юридик факт сифатида кўрилади ва ўрганилади.

Юридик фактлар мазмуни жиҳатидан икки асосий тоифага юридик ходисалар ва ҳаракатларга бўлинган эди. Юридик ҳаракатлар ўз навбатида ҳуқуқ йўл қўйган ва ҳуқуқ йўл қўймаган ҳаракатларга бўлиниб, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар сифатида бир томонлама ва икки томонлама битимлар яъни шартномалар кўрсатилган эди. Икки томонлама битимларнинг ҳаммаси яъни олиш-сотиш, ижара, қарз ва бошқа бир қатор шартномалар киради.

Бир томонлама, битим масалан, васиятнома шартнома бўла олмайди. Ҳар қандай шартномани битим дейиш мумкин, лекин ҳар қандай битимни шартнома деб бўлмайди. Шартнома битимнинг бир кўриниши ҳисобланади “Шартнома ўзига тааллуқли бўлган бошқа махсус меъёрлар билан, масалан, капитал курилишга оид пудрат шартномаси бу тўғрисидаги махсус қоидалар билан ҳам тартибга солинди”¹

Кўп тарафлама тузиладиган шартномалар, шартномаларнинг кўп тарафламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилди.

Шартнома ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб, хизмат қилади. Лекин, шартноманинг ҳаракати бу билан чекланмайди. Агар бошқа юридик фактлар умумий қоида бўйича ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан тугалланса, шартнома бу юридик фактлардан фарқ қилиб, ҳуқуқий муносабатни белгилаш ўзгартириш ёки бекор қилишдан ташқари яна ҳуқуқ меъёрлари билан белгиланган доираларда ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

“Шартнома билан вужудга келтирилган ҳуқуқий муносабат давомида шартнома тарафларнинг хатти –ҳаракати қанчалик қонунга мувофиқ бўлган-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 9- боби .

бўлмаганлигини ҳам текшириш имкониятини беради”.¹

Шартнома тушунчасида асосий белги, асосий шарт- тарафларнинг муайян натижага эришишга қаратилагн ўзаро келишувларидир. Тарафларнинг ҳар қайси томондан шартнома бўйича олинadиган ҳуқуқ ва бурчлар ҳар ҳил бўлса ҳам улар оқибатида ягона ҳуқуқий натижа беради. Масалан, бирон-бир нарсага нисбатан эгалик ҳуқуқи ўтказилади ёки бирон-бир ашиёдан фойдаланиш ҳуқуқи олинади.

Тарафларнинг келишувлари натижасида эришиладиган бевосита аниқ натижани ана шундай шартнома тузишда тарафларнинг ўз олдиларига қўйилган асосий мақсаддан ажратиш керак. Масалан, металлургия заводи машинасозлик заводи билан муайян миқдордаги ва шарт қилинган нав ва маркали пўлатни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Бу ерда тарафлар ўзаро келишувларининг бевосита натижаси металлургия заводи томонидан машинасозлик заводида шартнома билан белгиланган муддатларда ва муайян шартларга биноан маълум миқдорда пўлат етказиб бериш ҳисобланади.

Шартноманинг мақсади эса ҳар икки тараф учун умумий бўлиб, тарафларнинг ҳар қайсиси шартноманинг барча кўрсаткичларини бажаришдан иборат бўлади.

Ҳар икки тараф ҳам шартномани лозим даражада бажаришни ўзларининг бурчлари деб биладилар. Фуқаролик ҳуқуқий шартномалар асосан мулкӣ муносабатларни расмийлаштириш учун тузилади. Баъзан шартнома мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ҳам расмийлаштиради.

Шартномалар ўзининг хусусиятларига қараб турларга бўлинади. Масалан, шартномалар унда иштирок этаётган тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб бир томонлама ва икки томонлама шартномаларга бўлинади. Бир томонлама шартномада иштирок этаётган тарафларнинг бирида фақат ҳуқуқ бўлиб, ҳеч қандай мажбурият бўлмайди, иккинчи тарафда эса фақат мажбурият бўлади. Масалан, қарз шартномасида қарздор олган пул суммасини ўз вақтида қарз берувчига қайтаришга мажбур бўлса, қарз суммасини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик оборотида тузиладиган шартномаларни кўплиги икки томонлама бўлиб, олиш-сотиш шартномасидан ташқари маҳсулот етказиб бериш, мулк ижараси ҳамда пудрат шартномалари киради.

Шартномалар ҳақ баробарига ва текинига тузиладиган шартномаларга бўлинади. Ҳақ баробарига тузиладиган шартномаларда бир тараф топшириган

¹ М. Раҳмонқулов .Роль и суиуность гражданско-правового договора в условиях рыногной экономики Т. “Фан”1994 йил 134-138-бетлар.

мулкни, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Бундай шартномаларга пудрат шартномасини мисол қилиш мумкин.

Пудрат шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Пудрат шартномасида бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи) нинг топшириғига биноан, маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса, иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Пудрат шартномаси кишиларнинг турмуш ҳаётида жуда кўп қўлланиладиган шартнома ҳисобланади. Бу шартнома бўйича меҳнат натижаларини айрбошлаш фақат тайёрланган моддий қийматга эга бўлган товар шаклида эмас, меҳнат натижаси бўлган товарларнинг фойдали хусусиятини ошириш, яъни таъмирлаш натижаси ёки кимё усулда кийимларни тозалаш ва унга ўхшаш фаолият натижаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Бунинг натижасида, буюмнинг қандайдир бир қисми янгиланади, фойдаланиш хусусияти ошади, истеъмолчининг бирон-бир моддий эҳтиёжи таъмиланади. Мана шундай ҳолатда, фаолият пудрат шартномасига мувофиқ бажарилади. Пудрат шартномаси бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар ўртасида кўп тузиладиган шартномалардан бири ҳисобланади.

Пудрат шартномасига оид ҳуқуқий қоидалар турли хилдаги шуларни, яъни ишлаб чиқариш техникасига оид техника воситаларини тайёрлаш, ясаб бериш уй-жой, бинолар иншоатлар кўриб бериш, қайта тиклаш, таъмирлаш, лойиҳалаш, қидирув ишлари, илмий тадқиқот ишлари, тажриба конструкторлик ва технология ишларини бажариш каби муносабатларни тартибга солади.

Пудрат шартномасида икки тараф иштирок этиб, уларнинг бири иш бажарувчи, иккинчиси эса, иш юзасидан топшириқ берувчидир. Пудратчи бўлиб давлат, жамоат ташкилотлари ва корхоналар, хусусий корхоналар, тадбиркор, ишбилармон фуқаролар бўлиши мумкин. Давлат корхоналари ўзларининг низомларида бундай ишларни бажаришга руҳсат этилган бўлсагина пудратчи бўлиб иштирок этиши мумкин.

Пудрат шартномаси консенсуал, икки тамонлама ва ҳақ бароварига тузиладиган шартномадир. Пудратчи буюртмачининг топшириғини ўзининг касби-кори, малакаси, хунарига қараб таваккал қилиб бажаради. Ишни таваккал қилиб бажариш бу ишнинг белгиланган вақтда ва сифатли бажариши учун пудратчининг масъул бўлишлигини билдиради.

Шартноманинг нарсаси (предмети) пудратчи меҳнатининг ижобий натижаси ҳисобланган ва у буюртмачининг топшириғига асосланади. “Буюртмачи пудратчи тамонидан бажарилган ишни, ўз вақтида қабул қилиб олиши ва унинг учун ҳақ тўлаши лозим. Бажариладиган ишнинг ҳақи тарафларнинг келишуви билан

белгиланади”¹ Пудрат турлари бўлиб, улар маиший пудрат, қурилиши пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технология ишлари пудрати ҳисобланади.

Пудрат шартномасига оид қоидаларни ҳуқуқий муносабатларга тўғри татбиқ этиш учун уни ўзига яқин бўлган шартномалардан фарқлаш лозим. Пудрат шартномасининг мулкни топширишга қаратилган шартномадан фарқи шундаки. Бу шартномага доир қоидалар шуни бажариши жараёнининг боришини бошқаришга татбиқ этилса, мулкни топширишга қаратилган шартномаларда буюмни бажариш манбаи, жараёни умуман аҳамиятсиз бўлиб, фақат тайёр ашёнинг топширилиши етарли ҳисобланади.

Пудрат шартномасининг натижаси маълум бир шаклдаги мулк бўлиши билан бирга пудратчининг меҳнати натижаси мулк бўлибгина қолмасдан буюртмачининг бирон-бир маиший эҳтиёжини таъминлашга қаратилган фаолият натижаси ҳам бўлиши мумкин. Пудрат шартномаси меҳнат шартномасидан ҳам фарқланиб, меҳнат шартномасида топшириқни бажарувчи фақат фуқаро бўлса, пудрат шартномасида фуқаролар билан бир қаторда турли ташкилотлар ҳам бўлади. Меҳнат шартномасининг нарсаси ходимнинг меҳнат фаолияти бўлса, пудрат шартномасида эса, пудратчининг меҳнати натижаси бўлади.

Меҳнат шартномасига мувофиқ ходимлар муайян ташкилотда ундаги ички тартиб-қоидаларига риоя қилиб меҳнат қилсалар, пудратчи ўзига мустақил ҳолда ишни ташкил қилади ва ишнинг натижаси учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Меҳнат шартномаси бўйича уйда иш бажарадиган ходимларнинг меҳнати билан пудрат шартномаси жуда ўхшаш бўлсада, улар бир-биридан фарқ қилади. Уйда иш бажарувчи; масалан уйда кийим тикиб берувчи аниқ бир буюртмани ишхонасидан олиб ишхонасидаги ички тартиб-қоидалардан йироқда бўлган ҳолда бажарсада, барибир шу ишхонанинг ишчиси таркибида туради, унга нисбатан қонунда белгиланган ижтимоий кафолат татбиқ этилади.

Ҳусусий тадбиркорлик тўғрисидаги қонунда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахс ёлланма меҳнатдан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган. Бунда меҳнат қилаётган ходимга ишхонанинг ички тартиб қоидаси жорий этилмасада, унга нисбатан ижтимоий суғурта жорий этилади, меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шароити яратилади ва иш ҳақи тўланади. Бундай ҳолатлар меҳнат шартномасини тузиш ва меҳнат дафтарчасини очиш билан белгиланади. Пудрат шартномасида эса бундай ҳолатлар белгиланмайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Т. Адолат 1997 йил 631 модда.

Маиший пудрат шартномалардан бири ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 656-моддасига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи — фуқаронинг топшириғи билан унинг маиший ёки бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган шартнома ҳисобланади. Бу шартноманинг ўзига хос томонлари шартнома субъектлари ва предметида кўринади.

Маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи фақат фуқаро ҳисобланади. Бошқа пудрат шартномасида бундай буюртмачининг «фақат фуқаро бўлишлик» тушунчаси мавжуд эмас. Маиший пудрат шартномаси буюртмачиси — фуқаро Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунига асосан, истеъмолчи мақомига эга бўлади ҳамда унда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади. Шунингдек, шартноманинг иккинчи тарафлари бўлган пудратчи эса, албатта, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахс, яъни тадбиркорлик субъекти бўлишлиги лозим. Маиший пудрат бўйича бажариладиган иш тадбиркорлик фаолияти натижаси ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланиб, унинг субъектлари «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Пудратчи — тадбиркорлик субъектининг яқка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадими ёки юридик шахс мақомини олган ҳолда бу фаолият билан шуғилланадими бу аҳамиятсиз. Бундан ташқари, агар таъсис ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ваколати бўлса, нотижорат юридик шахслар ҳам пудратчи бўлишлари мумкин. М.Ҳ. Рустамбоевнинг фикрича, тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин, бироқ, бу тадбиркорлик фаолияти:

а) ҳар доим устав фаолиятига қўшимча бўлиши, ҳеч вақт асосий фаолиятга

аралашмаслиги лозим;

б) тадбиркорлик натижасида олинган фойда, даромадлар ҳар доим уставда назарда тутилган мақсадларга сарф қилиниши шарт, муассислар, аъзолар ўртасида тақсимланмайди¹.

Шартноманинг иккинчи бир ўзига хос хусусияти унинг предмети бўлиб, шартнома фақат маиший ёки бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш учун тузилади. Масалан, техникани тузатиш, кийим тикиш ёки таъмирлаш ва бошқалар. Шартнома тузишдан мақсад маиший эҳтиёжларни қондириш бўлганлиги учун ҳам у «маиший пудрат шартномаси» номини олган ва алоҳида бир тур сифатида пудрат шартномасидан ажралиб чиққан.

Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада, шу жумладан, буюртмачи қўшилган формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларнинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, пудратчи буюртмачига патта ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни берган пайтдан бошлаб маиший пудрат шартномаси тузилган ҳисобланади. Бу ҳужжатларнинг буюртмачида бўлмаслиги, уни маиший пудрат шартномаси тузилганлигини ёки унинг шартларини тасдиқловчи гувоҳлар кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Маиший пудрат шартномасининг ҳуқуқий белгилари қуйидагиларни ташкил этади:

Шартнома икки тамонлама, ҳақ эвазига тузиладиган консенсуал шартнома ҳисобланади;

Маиший пудрат шартномасини тузиш фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари»га асосан амалга оширилади. Маиший пудрат шартномаси оммавий шартномалар жумласига киради. Чунки пудратчи буюртма беришни истаб, ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган вазифалари белгилаб қўйиладиган шартнома ҳисобланади.

Маиший пудрат шартномаси оммавий шартнома сифатида бир қатор муҳим қоидалари мавжуд:

Биринчидан, пудратчи буюртмачиларнинг бир-бирига нисбатан афзаллик беришга, яъни бир буюртмачини иккинчисидан устун қўйишга ҳақли эмас;

Иккинчидан, бажариладиган ишнинг баҳоси барча буюртмачилар учун бир хил бўлиши керак;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига шарҳ. Т., «Ўзбекистон», 2005, 11-бет.

Учинчидан, пудратчини асоссиз равишда шартнома тузишни рад этишига йўл қўйилмайди.

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.

Шартномаларда икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятлар қоидаларида ва шартномаларнинг айрим турлари тўғрисида баён этилган қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Иккитадан ортиқ тарафлар тузадиган шартномаларга, бундай шартномаларнинг кўптарафламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади. Фуқаролик кодекси фуқаролик қонунчилигининг асосий таомиллари қаторига қуйидаги қоидаларни киритади: «Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига, ўз эрқларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар...».

Шартнома тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида тузилаётган шартномалар хўжалик шартномалари деб аталади. Хўжалик шартномаларининг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, унда хўжалик шартномаси тузишнинг, бажаришнинг, ўзгартиришнинг ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимият органларининг ҳамда шартномавий муносабатлар устидан давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг 353-моддаси шартнома тушунчасига таъриф беради. Шартнома тўғрисида шартноманинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ҳуқуқий муносабат сифатида: у иштирокчиларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди, ўзгартиради ёки бекор қилади. Мажбуриятларни келтириб чиқарувчи юридик факт сифатида: битимнинг тузилиши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Иштирокчиларнинг хоҳиш-иродаси билан мажбуриятнинг юзага келишини қайд этувчи ҳужжат сифатида: битим ёзма шаклда тузилган.

Шартнома битим кўринишларидан бири ҳисобланади (икки тарафлама ёки кўп тарафлама битим). Шу муносабат билан шартномаларга нисбатан икки- ва кўп тарафлама битим қоидалари, хусусан, битимларнинг шакли, ҳақиқий эмас деб топиш шартлари, уларни ҳақиқий эмас деб топилишининг асослари ва оқибатлари каби қоидалар тадбиқ этилади.

Шартнома тузиш учун иккита ёки кўп тарафларнинг келишилган хоҳиш-иродаси ифода топмоқлиги шарт. Айни чоғда, бир тарафлама битимни (яъни шартнома ҳисобланмайдиган битимни) тузиш учун бир тарафнинг хоҳиш-иродаси ифода топиши зарур ва етарли бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек «шартнома» ва «мажбурият» тушунчалари ҳам ўхшаш маънога эга эмас, ҳолбуки, мажбуриятлар асосан шартномалардан келиб чиқади. Мажбуриятлар шартномалардан ташқари зарар етказиш, асоссиз бойишдан, бир тарафлама битимлардан ва ҳ.к. ҳам келиб чиқиши мумкин.

Шартномада тарафлар сони иккитадан кам эмас, мажбуриятларда эса фақат иккита - кредитор ва қарздордан (ҳолбуки, муайян мажбуриятда улардан ҳар бирида бир неча шахс иштирок этиши мумкин) иборат. Ниҳоят, қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатишича, шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан ҳамиша ҳам мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилавермайди. Масалан, Фуқаролик кодексининг 322-моддасига мувофиқ, қарздор томонидан ўз қарзини бошқа шахсга ўтказилишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бу мажбурият тўғрисидаги умумий қоидалардан бири. Шу билан бир қаторда, қонунга асосан мол-мулк мажмуи сифатида корхонани кредиторнинг розилигисиз сотишга рухсат этади. Хусусан, корхона сотиб олувчига топширилгандан кейин қабул қилиб олинган корхона таркибига киритилган ва сотиб олувчига кредиторнинг розилигини олмасдан ўтказилган қарзлар юзасидан сотувчи ва сотиб олувчига солидар жавобгарликка эга бўладилар.

Шартномада тарафлар сони иккита ва ундан ортиқ бўлиши шарт. Бироқ шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар икки тарафлама ва кўп тарафлама шартномаларга нисбатан бир хилда тадбиқ этилмайди. Масалан, агар кўрсатиб ўтилган қоидалар шартноманинг кўп тарафламалик хусусиятига зид келса, улар мазкур шартномага нисбатан қўлланилмайди. Мисол учун, оддий ширкат тўғрисидаги шартномага нисбатан мажбурий тартибда шартнома тузиш, шартноманинг оғзаки шакли, шартномани ким ошди савдосида тузиш каби қоидаларни тадбиқ этиш мумкин эмас.

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи ҳар бир шахснинг хоҳишидир. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам

тузишлари мумкин.

Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Шартноманинг шarti тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма (диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шarti диспозитив норма билан белгиланади.

Агар шартнома шартлари тарафлар ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

Шартнома тузиш эркинлиги, айтиш мумкинки, шартноманинг асосий моҳиятини ташкил этади, Шартнома тузиш эркинлигининг ҳар қандай бузилиши фуқаролик қонунчилигининг асосий таомилларига зид келади. Шартнома тузиш эркинлиги бозор иқтисодиёти шароитларида алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодий фаолият субъектлари қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси турли хил шартномалар кўринишида намоён бўлади.

Шартнома тузиш эркинлиги бу фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини ўзларининг хоҳиш-иродаларига ва манфаатларига мувофиқ вужудга келтириш ва амалга ошириш имкониятидир. Шартнома тузиш эркинлиги қуйидаги қоидаларда ўз ифодасини топади. Фуқаролар ва юридик шахслар ҳар қандай турдаги шартномавий муносабатларга киришиш ёки киришмаслик ҳуқуқига эгадирлар. Бунда улар ўзлари учун ҳамкор шерикларни мустақил танлайдилар. Масалан, фуқаролар ёки ташкилотлар олди-сотди, пудрат, ижара ва б. шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзлари ҳал этади. Худди шу каби, улар шартномани ким билан - фуқаро биланми ёки юридик шахс билан, давлат корхонаси биланми ёки хусусий корхона билан, акциядорлик жамияти биланми ёки унитар корхона билан, йирик корхона биланми ёки кичик корхона билан, кийим сотувчи ташкилот биланми ёки озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчи ташкилот билан, бевосита ишлаб чиқарувчи биланми ёки воситачи билан ва ҳ.к. тузиш масаласини ҳам ўз ихтиёрларига биноан ҳал этадилар.

Қоидага кўра, қонун шартнома тузишга мажбур қилишни тақиқлайди. Фақат, Фуқаролик кодекси ва қонунда (қонун ости ҳужжатида эмас) тўғридан-тўғри назарда тутилган, шунингдек, тарафлар ихтиёрий равишда тегишли мажбурият қабул қилган ҳолатларда, шахс ўзи билан шартнома тузишни талаб қилиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодекснинг 358-моддаси ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб, оммавий шартнома (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) тузишдан бош тортишига йўл қўймайди. Қонунга мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги буюртма танлов бўйича жойлаштирилса, танлов ғолиби деб эълон қилинган маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) билан давлат контрактини тузиш давлат буюртмачиси учун мажбурий ҳисобланади. Шу каби, агар ким ошди савдосига фақат шартнома ҳуқуқи кўйилган бўлса, тарафлар ким ошди савдоси тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан кейин бундай шартномани тузишлари шарт. Тарафлар ихтиёрий суратда тузадиган дастлабки шартнома асосида тарафларнинг қай бири бўлмасин, асосий шартномани тузишдан бош тортган тақдирда, иккинчи тараф суд тартибида ана шу шартномани тузишни талаб этишга ҳақли.

Фуқаролик кодексида шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар билан бирга, шартномаларнинг муайян турлари тўғрисидаги меъёрлар ҳам мавжуд бўлиб, улар алоҳида тартибда келтирилган. Бундан ташқари шартномаларнинг айрим турлари бўйича (масалан гаров, суғурта) махсус «Гаров тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар ҳам қабул қилинган. Бозор иқтисодиётининг, тадбиркорликнинг ривожланиши, хорижий инвестицияларнинг ортиб бориши, ташқи иқтисодий фаолиятнинг фаоллаштирилиши амалда янги турдаги шартномаларни (лизинг, франшизинг) кенг жорий этилишига олиб келди.

Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган аралаш шартнома деб аталувчи шартнома тузишлари ҳам мумкин. Аралаш шартнома ўз ичига олган элементлардан ташкил топувчи шартномалар тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солинади. Масалан, агар аралаш шартнома бўйича тарафлардан бири ижарага бинони топшириш мажбуриятини олса, иккинчи тараф эса муайян ишни бажаришни зиммасига олса, бундай шартномага нисбатан ижара шартномаси ва пудрат шартномасига оид қоидалар тадбиқ этилади. Бирок бу диспозитив меъёр бўлиб ҳисобланади, яъни тарафларнинг битимидан ёки аралаш шартнома моҳиятидан бошқача қоида келиб чиқмаганлиги сабабли қўлланади. Масалан, олди-сотди

шартномаси бўйича сотувчи харидорга сотувдаги товар тўғрисида зарур ва ишончли ахборотни тақдим этиши шарт. Бу шартномада ахборот хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартнома элементлари бўлсада, фақат олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қонданинг ўзи қўллангани мақсадга мувофиқ. Бу талаб шартноманинг моҳиятидан келиб чиқади.

Умумий қоида тариқасида шартноманинг шартлари тарафларнинг ихтиёрига кўра белгиланади, бу эса фуқаролик қонунчилигининг асосий таомилларидан келиб чиқади. Шартноманинг риоя этилиши мажбурий бўлган шартлари фақат қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бўлиши мумкин, яъни бундай шартлар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари, Ҳукумат Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, олди-сотди шартномаларининг айрим турлари учун қоидалар, шунингдек, айрим турдаги товарларни (ишлар, хизматларни) сотиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан тасдиқланади. Юқорида кўрсатилган қонун нормаси асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ва Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган.

Кўп ҳолатларда қонунчиликда диспозитив деб номланувчи меъёрлар белгилаб қўйиладики, улар тарафларнинг келишуви орқали бошқа қоида ўрнатилмагани сабабидан қўлланилади. Бундай ҳолларда тарафлар ўз келишувлари орқали диспозитив меъёрларнинг қўлланишини истисно этишлар ёки ўз ихтиёрлари билан ҳар қандай бошқа шартни жорий этишлари мумкин. Масалан, тарафлар шартномада талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилиши мумкин, бунда тарафлар ўз келишувлари билан унга боғлиқ бошқа нормалар қоидаларини истисно этади. Ёинки, ижара шартномасида тарафлар ижарачи томонидан ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, ҳосил ва бошқа даромадлар ижарага берувчининг мулки бўлиб ҳисобланиши тўғрисида келишган бўлса, бу ҳолда тарафлар ихтиёрига кўра, даромад ижарачининг фойдасига эмас, балки ижарага берувчининг фойдасига ўтади.

Фуқаролик кодексининг 6-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятининг бирор-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирор-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъий назар, иш муомаласи

одати деб ҳисобланади. Шу муносабат билан иш муомаласи одатлари шартномадан келиб чиқадиган тарафларнинг муносабатларини тартибга солишда муҳим ўрин тутadi. Агар тарафлар у ёки бу сабабларга кўра шартномада қандайдир шартларни кўзда тутмаган бўлса ва бу борада тегишли диспозитив меъёрлар ҳам мавжуд бўлмаса, улар тарафларга ўзлари тузган шартномани муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Иш муомаласи одатлари тарафлар ўртасида низоларнинг вужудга келишининг ҳам олдини олади, мазкур шартномадан келиб чиқадиган низоларни ижобий ҳал этишга кўмак беради.

Ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар, шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади. Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади. Шартноманинг ҳақ эвазига (эвазли) эканлигининг маъноси шуки, бир тарафнинг шартнома асосидаги ашёвий тақдимотиға иккинчи тарафнинг тегишинча ашёвий тақдимоти муқобил қилиб қўйилади. Муқобил тақдимот сифатида пул тўланиши ҳақ тўланадиган шартноманинг энг кўп тарқалган туридир. Масалан, пудрат шартномаси асосида бир тараф (пудратчи) иккинчи тарафнинг (буюртмачи) топшириғига биноан муайян ишни бажариш ва ишнинг натижасини белгиланган муддатда буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Муқобил тақдимот бошқа ҳар қандай шаклда бўлиши ҳам мумкин. Хусусан, бир хил мол-мулкнинг ўрнига тенг қийматдаги бошқа мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, ашёвий ҳуқуқлар, шунингдек, компенсациянинг (товар тўлови) иш бажариш, хизмат кўрсатиш каби шакллари тақдим этилиши мумкин. Муқобил тақдимотнинг пул тақдимотидан бошқа шаклларида ҳақ тўлаш эквивалентлик хусусиятини олади. Таъкидлаш жоизки, мазкур модданинг мазмунига кўра муқобил тақдимотнинг юқорида зикр этилган барча шакллари уйғунлашиб келиши ҳам мумкин. Масалан, харидор етказиб берилган маҳсулот учун қисман пул билан, қисман иш бажариш орқали ва ҳ.к. ҳисоб-китоб қилиши мумкин.

Текинга тузиладиган (безэваз) шартномаларни имзолашда бир тараф иккинчи тарафга бирон нарсани ҳеч қандай муқобил тақдимот талаб қилмасдан топшириш мажбуриятини олади. Бирон нарсани текинга тузилган шартнома асосида олувчи

тараф, ўша нарсани олишга ҳақли, аммо рад этса ҳам бўлади, яъни унинг зиммасига бошқа тарафдан бирон нарсани олиш мажбурияти юкланмаган. Текин шартномалар қаторига, жумладан, ҳады шартномасини текинга фойдаланиш шартномасини киритиш мумкин.

Айрим шартномалар (масалан, қарз, топшириқ, саклаш) қонунга кўра ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳам, текинга тузиладиган шартнома ҳам бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланишлиги муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўз таърифига кўра қарз шартномаси текин шартнома бўлиб ҳисобланмайди. Шу билан бир қаторда, қонун билан ёки шартноманинг ўзида қарз берувчининг қарз олувчидан фоиз олиш ҳукуки кўзда тутилиши мумкин. Қонунга биноан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмайдиган шахслар ўртасида тузилган топшириқ шартномаси, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, беэваз (текин) ҳисобланади. Ёки ҳады тўғрисидаги шартноманинг моҳиятидан унинг текин хусусиятга эга эканлиги келиб чиқади.

1. 2. Маиший пудрат шартномаси тушунчаси ва унинг аҳамияти

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи – фуқаронинг топшириғи билан унинг маиший ёки бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса шуни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

“Пудратчи буюртмачига катта ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни берган пайтдан бошлаб маиший пудрат шартномаси тузилган ҳисобланади.”¹

Ҳужжатларни буюртмачига бўлмаслиги, уни маиший пудрат шартномаси тузилганлигини ёки унинг шартномаларини тақсидқлоавчи гувоҳлар кўрсатмаларини важ қилиб келтириши ҳукукидан маҳрум қилмайди.² Маиший пудрат шартномаси оммавий шартномалар турига киради. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш” тўғрисидаги 1991 йил 19-ноябрда қабул қилинган Қонунга мувофиқ биринчи навбатда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини хусусийлаштириш бошланган эди. Маиший қонунга мувофиқ барча маиший хизмат кўрсатиш корхонлари яъни устахоналар, модалар отелъеси ва унга ўхшаш корхонлар хусусийлаштирилди. Ҳозирги вақтда хусусий

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси Т. “Адолат” 1997 йил 656-модда

маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошрмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган пудратчи буюртмачи фуқаронинг топшириғига мувофиқ унинг маиший эҳтиёжи ёки бошқа шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган маълум бир ишларни маиший пудрат шартномаси бўйича бажариб беришга мажбуриятини олади. Пудратчи эса тузилган шартномага мувофиқ бажарилган ишни қабул қилиб олишга ва келишилган ҳақни тўлашга мажбур бўлади. Бу шартнома фақат фуқаро-буюртмачиларнинг шахсий маиший эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан тузилади ва шу сабабли маиший пудрат шартномаси деб ҳисобланади.

Маиший пудрат шартномаси пудрат шартномасининг мустақил бир туридир. Кундалик турмуш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган турли хилдаги ашёларни яратиб бериш, фойдаланиш хусусиятини ошришга бўлган маиший ва бошқа шахсий эҳтиёжлар фуқароларнинг маиший эҳтиёжидир.

Мана шундай эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида фуқаролар маиший хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартнома тузади. “Шартнома биноан пудратчи ишни бажариб беришга, буюртмачи эса бажарилган ишни ўз вақтида қабул қилиб олишга ва келишилган ҳақни тўлашга мажбур”¹

Фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини таъминлаш учун буюртмачи билан пудратчи ўртасида шартнома тузилган бўлиши зарур. Маиший пудрат шартномаси ҳаммага нисбатан шартнома тузиш таклиф қиладиган офертадир. Шу туфайли бу шартнома тузиш тартиблари барча фуқаролар билан амалга ошрилиши мумкин. Шу хусусиятлари барча фуқароларнинг маиший эҳтиёжини таъминлашга қаратилган шартномадир.

Пудратчи маиший пудрат шартномасига ҳақ эвазига бажариладиган қўшимча ишлар ёки хизматларни киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмас. Бу талаб бузилган тақдирда буюртмачи тегишли иш ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишга ҳақлидир.

Буюртмачи тегишли иш унга топширилгунча истаган вақтда белгиланган ҳақнинг у пудрат шартномасини бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги билдиришни пудратчи олгунга қадар бажарилган ишга керакли бўлган қисмини ва шартномани бажариш мақсадида шу пайтгача қилинган харажатларни пудратчига тўлаб, агар бу харажатлар иш учун тўланадиган ҳақнинг кўрсатиб ўтилган қисмига кирмаса, маиший пудрат шартномасини бажаришдан воз кечишга ҳақли.

Шартноманинг буюртмачини бундай ҳуқуқдан маҳрум қилувчи шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Маиший пудрат шартномаси пудратчи билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси Т. “Адолат” 1997 йил 656-модда

буюртмачининг шартнома шартларига ўзаро келишсагина тузилган ҳисобланади.

Бизнинг қонунимизда пудратчининг маиший пудрат шартномаси тузилаётганда ҳақ баробарига бажариладиган қўшимча ишлар ёки хизматларни шартномага киритишга буюртмачини мажбур қилишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Агар ана шундай қўшимча ишлар ёки хизматлар буюртмачининг розилигисиз киритилса у бу шу ёки хизматга ҳақ тўлашдан бош тортишига ҳақли бўлади.

Буюртмачи маиший пудрат шартномасига мувофиқ иш бажарилиб унинг натижаси ўзига топширилгунча шартномадан бир тамонлама бош тортишга ҳақли. Шартномани бир тамонлама бекор қилиш истагини пудратчига буюртмачига билдириши лозим. Буюртмачи шартномани бир тамонлама бекор қилиш ҳақида берган билдиришни пудратчи олгунча бажарган ишнинг қийматини шу иш учун белгиланган умумий баҳога керакли қисмини тўлаши шарт.

Шу билан биргаликда шартномани ўз ҳоҳиши билан бекор қилгунча пудратчининг ишни бажариш юзасидан қилган ҳаражатларини, бу ҳаражатлар иш учун тўланадиган ҳақнинг кўрсатиб ўтилган қисмига кирмаган бўлса, пудратчига тўлаб, маиший пудрат шартномасини бажаришдан воз кечишга ҳақли бўлади. Тузилган шартномада буюртмачининг бундай ҳуқуқларидан маҳрум қилувчи шартлари бўлса, у ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

“Маиший пудрат шартномаси тузилганига қадар пудратчи таклифлар қилинаётган иш унинг турлари ва хусусиятлари, баҳоси, ҳақ тўлаш шакли тўғрисида буюртмачига зарур ва ишонарли ахборотни топшириши, шунингдек буюртмачининг илтимосига биноан шартномага ва тегишли ишга доир маълумотларини унга бериши шарт.”¹

Агар ишнинг хусусияти бўйича аҳамияти бўлса, пудратчи уни бажарадиган аниқ шахсни кўрсатиш керак. Пудратчидан олинган ахборотнинг тўлиқ ёки ишончли бўлмаганлиги оқибатида буюртмачи ҳисобга олган хусусиятларга эга бўлмаган ишни бажариш тўғрисидаги шартнома тузилган бўлса, буюртмачи бажарилган ишга ҳақ тўламаган ҳолда маиший пудрат шартномасини бекор қилишни ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Маиший пудрат шартномаси оммавий шартнома бўлганлиги учун пудратчи шартнома тузилгунча таклиф қилаётган иш хусусан тегишли ахборот бериш лозим. Шу билан биргаликда пудратчи яна бажарадиган ишларнинг турлари ва бу ишларнинг хусусиятлари, баҳоси, ҳақ тўлаш шакли тўғрисида буюртмачига зарур ва ишонарли топшириш шарт.

Бундай ахборотлар пудратчи бажарган ҳар бир иш учун берилиши лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекс. Т. 1996 йил “Адолат” 658-модда.

Агар буюртмачи илтимос қилса, тузиладиган маиший пудрат шартномасини ва тегишли ишга доир маълумотларни бериш лозим. Айрим ишларнинг хусусияти уни бажарадиган шахсни аниқ кўрсатишни талаб этади. Бундай ҳолда пудратчи ишни бажарадиган аниқ шахсни кўрсатиши керак.

Бажариладиган ишнинг хусусиятлари ва шунга ўхшаш муҳим бўлган пудратчидан олинган ахборот тўлиқ бўлмаганлиги ёки етарлича тўлиқ бўлмаганлиги оқибатида шартнома тузилган бўлса, тузилган шартнома буюртмачи ҳисобга олган хусусиятларга эга бўлмаган ҳолда бажарилганида буюртмачи бажарилган ана шу ишга ҳақ тўламасдан шартномани бекор қилиши мумкин. Бекор қилиш билан бирга бунинг оқибатида ўзига етказилган зарарни ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

“Пудратчи буюртмачига ишни топшириш вақтида иш натижасидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун риоя этилиши зарур бўлган талабларни ва тегишли талабларга риоя этмаслик буюртмачининг шахсан ўзи ва бошқа шахслар учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини маълум қилиши шарт”¹

Пудратчи маиший пудрат шартномасини бажариб натижасини буюртмачига топшираётганида ундан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган талабларга риоя этган ҳолда хавфсиз фойдаланиши учун тегишли талабларга риоя этиши лозимлигини маълум қилиши лозим.

Шу билан биргаликда бажарилган иш натижасидан хавфсиз фойдаланиши учун риоя этиши зарур бўлган талабларга, масалан, электр қуввати билан боғлиқ қоидалар, тез ёнадиган, портлайдиган ва захарлайдиган ва шунга ўхшаш хусусиятлар учун белгиланган талабларга риоя қилмаслик буюртмачининг ўзи ва бошқа шахслар учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам маълум қилиб қўйиши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекс. Т. 1996 йил “Адолат” 659-модда.

II боб. МАИШИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ

2.1. Ишни тарафларнинг материалидан фойдаланиб бажариш

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг материалидан фойдаланиб бажарилса, буюртмачи материал ҳақининг ҳаммасини шартнома тузиш вақтида тўлайди ёки унинг шартномада кўрсатилган қисми тўланиб, пудратчи бажарган ишни буюрмачи қабул қилиб олаётганида тўла ҳисоб китоб қилинади.

Маиший пудрат шартномасига асосан материал пудратчи томонидан насияга берилиши, шу жумладан буюрмачи томонидан материалнинг ҳақини бўлиб бўлиб тўлаш шарти билан ҳам берилиши мумкин.

Пудратчи томонидан берилган материал баҳосининг маиший пудрат шартномаси тузилганидан сўнг ўзгариши қайта ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмайди. Маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг ҳам, буюртмачининг ҳам материалидан фойдаланиб бажарилиши мумкин. Маиший пудрат шартномаси бўйича ишнинг пудратчи материалидан фойдаланиб бажарилиши, тарафларнинг келишуви билан белгиланган бўлса, буюртмачи материал ҳақини ҳаммасини шартнома тузилаётган вақтда тўлайди.

Агар тарафларнинг материалнинг қийматини бўлиб – бўлиб, тўлаш хусусида келишиб олган бўлсалар ва шартномадан кўрсатилган бўлса, буюртмачи унинг шартномада белгиланган қисмини тўлайди. Қолган қисмини эса пудратчи бажарган ишни буюртмачи қабул қилиб олаётганида тўла ҳисоб-китоб қилиб тўланади.

Маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчи материалдан бажарилиб қолмасдан, пудратчи томонидан материал буюртмачига насияга берилиб, ана шу насияга берилган материалдан ҳам бажарилиши мумкин. Бундай ҳолда иш пудратчи материалидан эмас, буюртмачи материалидан бажарилган бўлади. Чунки, буюртмачи насияга берилган пудратчи материалнинг қийматини келишилаган вақтга қадар тўлайди. Бундан ташқари, маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг материалидан бажарилётганида унинг қиймати тарафларнинг келишуви билан бўлиб-бўлиб тўлаши ҳам мумкин.

Маиший пудрат шартномаси пудратчи материалидан бажарилган бўлса ва унинг баҳоси шартнома тузилганидан кейин ўзгарса, бу қайта ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмайди. “Агар маиший пудрат шартномаси бўйича шу буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажарилса, шартнома тузилаётганда буюртмачига пудратчи томонидан бериладиган паттада ёки бошқа ҳужжатда материалнинг аниқ номи, таърифи ва тарафларнинг келишуви бўйича белгиланадиган баҳоси

кўрсатилиши керак.”¹ Патта ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатдаги материалнинг баҳоси хусусида буюртамачи кейинчалик судда низолашиши мумкин.

Тарафларнинг келишуви билан маиший пудрат шартномаси бўйича иш буюртмачининг материалдан фойдаланиб бажарилиши мумкин. Бундай пайтда пудратчи томонидан буюртмачига шартнома тузганлиги хусусида берилаётган паттада, бошқа ҳужжатдан материалнинг номи, таърифи ва тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳоси кўрсатилиши лозим.

Материалнинг паттада ёки бошқа ҳужжатда кўрсатилган нархи унинг ҳақиқий қийматига тўғри келмаслиги тўғрисида низо чиқса, буюртмачи унинг ҳақиқий нархини суд йўли билан исбот қилиш, ҳуқуқига эга. Пудратчи буюртмачи томонидан берилган материални тўғри мақсадга мувофиқ тежамкорлик билан сарф қилиши лозим. Пудратчи кейин ишлатилган материал тўғрисида ҳисоб бериши ва ортиб қолган қисмини буюртмачига қайтариши керак.

“Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади ва у пудратчи эълон қилган перейскурантда кўрсатилганидан юқори бўлиши мумкин эмас”²

Пудратчи ишни бутунлай топширганидан сўнг буюртмачи унга ҳақ тўлайди. Тарафларнинг келишувига мувофиқ буюртмачи шартнома тузилётганида иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўлиб бериш йўли билан тўлаши лозим.

Пудратчи томонидан шартномага мувофиқ бажариладиган ишнинг баҳоси ва унга ҳақ тўлаш тартиби белгиланган. Бу борада асосан, бу ишни бажариши учун пудратчи сарф қилган материалнинг баҳоси унга қўшилмайди.

Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси пудратчи билан буюртмачининг келишуви орқали белгиланади. Бу қоидага асосан ишнинг баҳоси тегишли тартибда эълон қилинган нарх-навода кўрсатилганидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Пудратчига бажарган иш учун ҳақ ишни бутунлай буюртмачига топширганидан сўнг тўланиши керак. Аммо келишувга мувофиқ буюртмачи шартнома тузилаётганда иш учун ҳақни тўлиқ ёки аввал бўлак бериб, иш тўлиқ топширилганидан сўнг ҳисоб-китоб қилиши ҳам мумкин.

Буюртмачи иш натижасини қабул қилиб олаётган ёки пудрат нарсасидан фойдаланаётган пайтда камчиликларнинг аниқласа, умумий муддат давомида, кафолат муддати бўлганида эса, шу муддат давомида амалга ошириш мумкин.

Маиший пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг буюртмачининг ўзи ва бошқа шахслар ҳаётига ёки соғлигига хавф туғдириши мумкин бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекс. Т. 1996 йил “Адолат” 661-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекс. Т. 1996 йил “Адолат” 662-модда.

камчиликларни текин бартараф этиш тўғрисидаги талаб, узоқ муддат яъни унинг қонуний вориси томонидан иш натижаси қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб ўн йил давомида қўйилиши мумкин.

Бундай талаб, камчиликлар қолгани аниқланганидан қатъи назар, кафолат муддати тугаганидан сўнг аниқланган бўлса ҳам, қўйилиши мумкин. Бу талаб пудратчи томонидан бажарилмаса, буюртмачи кўрсатган муддат давомида ё иш учун тўлган ҳақнинг тегишли қисмини қайтаришни ёки ўз кучи билан ёки учинчи шахслар ёрдамида камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи томонидан бажарилган ишда камчиликлар топилганидан талабалар хусусида қоидалар берилган. Унга белгиланишича, буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган маиший пудрат иши натижасини қабул қилиб олинаётганида унда камчиликлар аниқланса ёки ундан фойдаланаётган пайтда камчиликларини аниқласа, бу камчиликлар хусусида талабларо қонунимизга мувофиқ уч йил давомида қўйилиши керак. Агар бажарилган ишнинг сифатига муддати белгиланган бўлса шу муддат давомида талаблар қўйилиши керак.

Шартномага мувофиқ бажарилган ишлардаги камчиликлар буюртмачининг ёки бошқа фойдаланувчиларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдирса, бундай хавфни текин бартараф этишни буюртмачи талаб қилишга ҳақли. Бажарилган иш буюртмачининг ўзи ва бошқа шахслар ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган камчиликларни текин бартараф этиши тўғрисидаги талаб, буюртмачига ёки унинг қонуний вориси томонидан иш натижаси қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб ўн йил давомида қўйилиши мумкин.

Бундай камчиликлар муддати ўтиб кетмасидан аввал бажарилган ишнинг сифати хусусида кафолат муддати белгиланган вақт ўтганидан сўнг аниқланган бўлса ҳам бундай талаб қўйилиши мумкин.

Қонунда талаблардан қайси бири қўйилган бўлмасин уни пудратчи ўз вақтида бажариши шарт, талабни пудратчи бажармаса, буюртмачи қонунда белгиланган муддат давомида иш учун тўланган ҳақнинг қўйилган талабга мувофиқ равишда тегишли қисмини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

“Агар бажарилган ишда камчиликларни буюртмачи ўз кучи билан ёки шу камчиликларни учунчи шахслар ёрдамида бартараф этган бўлса, бартараф этиш билан боғлиқ харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.”¹

Буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилиш учун келмагани ёки ишни қабул қилишдан ёки ишни қабул қилишдан бош тортган бўлса, пудратчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекс. Т. 1996 йил “Адолат” 663-модда.

буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, бундай огоҳлантиришдан кейин икки ой ўтгач, ишнинг натижасини оқилона сотишга, тушган пулни эса, ундан ўзига тегишли бўлган бутун тўловларни олиб қолиб, қонунга мувофиқ, буюртмачининг номига депозитга ўтказишга ҳақли.

Пудратчи натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриши ёки келтирилган зарарни буюртмачида ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланиш мумкин. Масалан: Андижон шаҳрида яшовчи Б исмли шахсга буюртма берди; буюртмаси шундан иборат эдики, соф металлдан бўйи 50 см дан иборат иситиш қазонини тайёрлаб беришини ва бир ҳафтадан сўнг олиб кетишини айтди.

Бир ҳафтадан сўнг Р исмли шахс истиш қазонини ололмаслигини ва берган закат пулни қайтаришини талаб қилади. Пудратчи Б исмли фуқаро Фуқаролик кодексининг 664- модданинг 1-қисмга асосан буюртмачидан шу натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриши ва келтирилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирди ва зарарни ундириб олди. Маиший буюртма шартномаси бўйича иш фақат буюртмачининг материалидан бажарилган муносабатга татбиқ этилади. Агар уни қабул қилиб олиш учун буюртмачи келмаганида ёки бўйин товлаганида фақат кеган зарарни ундириб олишга ҳақли бўлади.

Буюртмачи иш натижасини шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олмаса, пудратчи буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириши керак ва уни икки ой сақлаши шарт.

Шу муддат ўтгандан сўнг пудратчи ишнинг натижасини бозор баҳосида сотишга ва ўзига тегишли тўловларни олиб қолиб, қолган суммани буюртмачининг номига депозитга қўйишга ҳақли бўлади. Ишни қабул қилиб олиш учун буюртмачи келмаганидан ёки бўйин товлаганда пудратчи қонунга мувофиқ ўз ҳуқуқларини талаб қилади.

Маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада бажарилмаган ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачи қонунга асосан сотиб олувчига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачи қонунга мувофиқ сотиб олувчига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Агар иш сифатсиз бажарилган бўлса, буюртмачи ўз хоҳиши билан ишни сифатли қилиб ўхшаш материалдан қайтадан бажариб беришни талаб қилишга ёки камчиликларни текинга тузатиб беришни талаб қилишга ёки иш баҳосини мос равишда камайтиришни ва шартномани бекор қилиб етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар маиший пудрат шартномаси бажарилмаган бўлса, буюртмачи шартномада белгилангани бўйича бурдсизлик тўлови (неустойка)ни ва шартномани

бажармаганлиги сабабали етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли.

Шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлагунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шу билан биргаликда буюртмачига тегишли ашёларни қонунга асосан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Пудратчига бажарган иши учун буюртмачи белгиланган ҳақни тўлаши лозим. Агар буюртмачи бажарилган иш учун белгиланган ҳақни тўламаган бўлса, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлагунча пудратчи ишнинг натижаларини ушлаб туришга ҳақли.

Пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб ва режали фойдаланиши, иш тугагандан сўнг ишлатилган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши ва унинг қолдиғини қайтариб бериши ёки ўз ихтиёридаги фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб, буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосини камайтириши мумкин.

Агар пудратчи буюртмачини берган материални тегишли тартибда қабул қилиб олаётганда, ундаги камчиликларни аниқлаш мумкин бўлганлигини исбот қила олмаса, у буюртмачи берган материалнинг камчиликлари туфайли ишнинг лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлади.

Пудрат шартномаси бўйича иш буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажарилганида пудратчи буюртмачи берган материалдан тежаб-тергаб исроф қилмасдан фойдаланиши ва пудрат иши тугагандан сўнг сарф қилинган материал тўғрисида буюртмачига ҳисобот бериши лозим.

Берилган материалнинг бажарилган ишдан ортиб қолган қолдиғини буюртмачига қайтариб бериши керак. Агар ортиб қолган материални буюртмачига қайтармаса, шу фойдаланилмай қолган материалнинг қийматини ҳисобга олиб буюртмачининг розилиги билан ишнинг баҳосининг камайтириши шарт.

Пудратчи ишни буюртмачи материалидан бажариши учун ундан материал олаётганидан шу материалнинг ишга яроқлилигини текшириб олиши шарт. Агар олаётган материалнинг камчиликларини аниқлаш мумкин бўлмаганлигини исбот қилиб бера олмаса, ишнинг сифатли бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод бўлади. Лекин ана шу материалнинг яширин камчиликларини қабул қилиб олаётганида аниқлаш мумкин бўлмаганлигини исбот қила олмаса, у буюртмачи берган материалнинг камчиликлари туфайли ишнинг лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлади.

Пудрат шартномасини бажариши муносабати билан буюртмачи берган материал ва топширилган ашё ва пудратчи ихтиёрига ўтган бошқа мол-мулк

сақланмаганлиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

Пудрат ишини бажаришга буюртмачи томонидан материаллар, масалан газлама, қайта ишловга тери, оёқ кийими ва бошқалар берилган бўлса, пудратчи томонга ўтган бўлса пудратчи уларни ҳам то пудрат томон бўлиб буюртмачига топширилгунга яхши сақлаб туриши шарт, агар сақлай олмаса жавобгар бўлади.

Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли. Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида кирилмаса ёки ишни сушт бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ билиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шу билан бирга агар иш кечиктириб бажариладиган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизиқишини йўқотганлигини исбот қилиши лозим. Агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи пудратчига камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёки бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тугатишини бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар пудрат шартномасида бошқача ҳолатлар ҳам тарафларнинг келишуви бўйича белгиланиши ҳам мумкин, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар исталган вақтда шартномадан воз кечиб қолиши тўғрисидаги огоҳлантиришини олгунга қадар бажарилган ишга таалукли қисмини тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт.

Маиший пудрат шартномаси буюртмачининг топшириғига мувофиқ тарафларнинг келишуви билан тузилади. Шу сабабли буюртмачи ишнинг бориши жараёнини ва сифатли бажарилаётганлигини исталган вақтда пудратчининг иш фаолиятига аралашмаган ҳолда текшириб туришга ҳақли.

Буюртмачи пудрат ишининг бажарилиши жараёнини текшириб пудратчи шартномани бажаришга ўз вақтида киришилмаганлиги ёки ишни сушт бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиши мумкин эмаслигини аниқласа, шартномадан воз кечиши ва ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Шу билан бирга буюртмачи, кечиктириб бажарилаётган шартномадан воз кечиши учун иш кечиктирилиб бажариладиган бўлса, ўзига ҳеч қандай аҳамиятсиз

бўлиб қолишини исботлаш керак.

Маиший пудрат шартномасида буюртмачи пудрат ишини текшириб ишнинг шартномада белгиланган вақтда тегишли даражада бажараолмаслигини аниқласа, пудратчига ана шу камчиликларни йўқотиши учун келишув маълум бир муддат белгилашга ҳақли.

Ана шу муддатда камчиликлар бажарилмаса, буюртмачи шартномадан воз кечишга ёки бу камчиликларни тузатишни пудратчи ҳисобидан бошқа шахсга топширишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Шартномада тарафларнинг келишуви билан буюртмачи исталган вақтда пудратчини шартномадан бир томонлама воз кечганлиги ҳақида огоҳлантириб шартномадан воз кечиши мумкин.

Шартномада бир томонлама воз кечганлиги ҳақида огоҳлантирилгунча қадар бажарилган ишнинг баҳосини буюртмачи тўлаши шарт.

Буюртмачи пудратчига шартномани бажарилиши муддатидан аввал бир томонлама бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ишнинг бажарилган қисмининг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ тўланиши лозим.

Пудратчи айрим ҳолатларни аниқлаган тақдирда дарҳол буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар шуни тўхтатиб туриши шарт. Буюртмачи берган материал, қайта ишлов бериш учун топширилган ашёнинг яроқсизлигини ёки сифатсизлигини, буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, пудратчига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ёки ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган қилиб қўядиган ҳолатларда буюртмачини огоҳлантириш керак бўлади.

Буюртмачини огоҳлантирмаган ёки огоҳлантиришга жавоб олиш учун шартномада кўрсатилган муддат ўтишини, бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддат ўтишини кутмасдан ёки буюртмачи шуни тўхтатиб туриш тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган бўлишига қарамасдан ишни давом эттираверган пудратчи буюртмачи унга ёки пудратчи буюртмачига тегишли талаблар қўйганида ҳар-хил ҳолатларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмас.

Агар буюртмачи пудратчининг асосли огоҳлантирилганига қарамасдан, оқилона муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, шуни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини ўзгартирмаса ёки ишнинг яроқчилиги ёки пишиқлигини хавф остига қўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва

етаказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш пудратчининг материалидан фойдаланиб бажарилса, буюртмачи материал ҳақининг ҳаммасини шартнома тузиш вақтида тўлайди ёки унинг шартномада кўрсатилган қисми тўланиб, пудратчи бажарган ишни буюртмачи қабул қилиб олаётганида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади.

Маиший пудрат шартномасига биноан материал пудратчи томонидан насияга берилиши, шу жумладан, буюртмачи томонидан материалнинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ҳам берилиши мумкин. Пудратчи томонидан берилган материал баҳосининг маиший пудрат шартномаси тузилганидан сўнг ўзгариши қайта ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмайди.

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича иш буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажарилса, шартнома тузилаётганда, буюртмачига пудратчи томонидан бериладиган паттада ёки бошқа ҳужжатда материалнинг аниқ номи, таърифи ва тарафларнинг келишуви бўйича белгиланадиган баҳоси кўрсатилиши керак. Патта ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатдаги материалнинг баҳоси хусусида буюртмачи кейинчалик судда низолашиши мумкин.

Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади ва у пудратчи эълон қилган прејскурантда кўрсатилганидан юқори бўлиши мумкин эмас. Пудратчи ишни бутунлай топширганидан сўнг, буюртмачи унга ҳақ тўлайди. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, буюртмачи шартнома тузилаётганда иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан тўлаши мумкин. Буюртмачи иш натижасини қабул қилиб олаётган ёки пудрат нарсасидан фойдаланаётган пайтда камчиликларни аниқласа, умумий муддат давомида, кафолат муддати бўлганида эса шу муддат давомида амалга ошириши мумкин.

Маиший пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишнинг буюртмачининг ўзи ва бошқа шахслар ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган камчиликларини текин бартараф этиш тўғрисидаги талаб, агар қонунда белгиланган тартибда узоқроқ муддат (хизмат муддати) назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ёки унинг қонуний вориси томонидан иш натижаси қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб, ўн йил давомида қўйилиши мумкин. Бундай талаб ушбу камчиликлар қачон аниқланганлигидан қатъи назар, шу жумладан, улар кафолат муддати тугагандан сўнг аниқданган бўлса ҳам, қўйилиши мумкин. Мазкур талаб пудратчи томонидан бажарилмаса, буюртмачи юқорида кўрсатилган муддат давомида ё иш учун тўланган ҳақнинг тегишли қисмини қайтаришни ёки ўз кучи билан ёхуд учинчи шахслар ёрдамида камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли. Буюртмачи амалдаги қонун ҳужжатларига асосан, истеъмолчи сифатида бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

2.2. Шартнома бўйича келиб чиқадиган жавобгарлик

Пудратчи шартнома бўйича бажараётган ишнинг сифатли бўлиши учун буюртмачи томонидан берилган материаллар, ашёларнинг яроқсиз ёки сифатсиз бўлса, бу ҳақда буюртмачининг дарҳол огоҳлантириши зарур.

Пудратчи томонидан бажарилиши лозим бўлган ишнинг яроқли ва мустаҳкам бўлишига хавф туғдирадиган яна бошқа ҳолатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар қаторига шартномада белгиланган ишни сифатли бажаришга берилган материалнинг етарли бўлмаслигини киритиш мумкин.

Шуни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган бошқа ҳолатлар хусусида буюртмачини дарҳол огоҳлантириши ва ундан бу ҳақда кўрсатмалар олгунга қадар ишнинг бажарилишини тўхтатиб туриш керак.

Пудратчи буюртмачини берган материаллари, қайта ишлов бериш учун топширилган ашёсининг яроқсизлиги ёки сифатсизлиги ишни бажариш усули тўғрисидаги берган кўрсатмалари ёмон оқибатларга олиб келиши ва бажарилаётган иш натижаларининг яроқли ва пишиқ бўлишига хавф туғдирадиган пудратчига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида ва асосли огоҳлантирганига қарамасдан оқилона, яъни етарли муддатда яроқсиз ёки сифатсиз материални алмаштирмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларни ўзгартирмаса ёки ишни яроқлилиги ёки пишиқлигини хавфга қўядиган ҳолатларни бартараф этиш учун зарур бўлган чораларни кўрмаса, пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Маиший пудрат шартномаси бўйича тарафлар пудрат ишининг бажарилиши юзасидан ўзаро муқобил мажбуриятлар олишлари ҳам мумкин.

Тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади. Буюртмачи ўзининг муқобил мажбуриятларининг бажармаганлиги, яъни материални, қайта ишлов бериш учун керакли бўлган ашёни бермаганлиги шартномани бажаришга тўсқинлик қилган ҳолларда пудратчи ишни бажаришга киришмаслиги ёки бошлаган ишини тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Шунингдек муқобил мажбуриятлар белгиланган муддатда бажарилмаслигини яққол кўрсатиб турган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳам пудратчи ишга киришмасликка, агар ишни бошлаган бўлса, уни тўхтатиб қўйишга ҳақли бўлади.

Агар маиший пудрат шартномасида муқобил мажбурият бажарилмаганлиги ёки

белгиланган муддатда бажарилмаслигини аниқ кўрсатиб турган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳам пудратчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. “Пудратчининг ишни бажаришга буюртмачи пудрат шартномасида белгиланган ҳажмда ва тартибда ёрдам бериши шарт”¹

Буюртмачи мажбуриятини бажармаса, пудратчи кўрган зарарни яъни бекор туриб қолганлик оқибатидаги қўшимча чиқимларни қоплашни ёки ишни бажариш муддатини ўзгартириш ёки пудрат шартномасида кўрсатилган иш баҳосини тоширишни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачининг ҳаракати ёки йўл қўйган хатоси туфайли пудрат шартномаси бўйича ишни бажариш мумкин бўлган қолган тақдирда, пудратчи ишнинг бажарилган қисмини ҳисобга олган ҳолда шартномада кўрсатилган баҳони олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Маиший пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишнинг сифатини бўлиши ва ўз вақтида ижро этилиши учун тарафлар бир-бирига ёрдам кўрсатиши шарт.

Буюртмачи шартномани бажарилиши учун олган мажбуриятини бажармаса: пудратчи бунинг оқибатида кўрилган зарарни ва улар туриб қолганлик оқибатидаги қўшимча чиқимларни қоплашни ёки ишни бажариш муддатини ўзгартиришни ёки шартномада кўрсатилган иш баҳосини шунга лойиқ даражада оширишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар буюртмачининг ҳаракати ёки йўл қўйган хатоси туфайли пудрат шартномаси бўйича ишни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, пудратчи ишни бажаришни тўхтатиб қўйишга ва ишни тўхтатиб қўйганига қадар бажарган ишининг шартномада белгиланган баҳосига мувофиқ қийматини олишга ҳақли бўлади.

Буюртмачи бажарилган ишнинг қонунда белгиланган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниши ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчига дарҳол маълум қилиши шарт.

Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи бу камчиликлар ёки уларни тузатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилгандагина уларни важ қилиб келтиришга ҳақли.

Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар яъни очиқ кўриниб турган камчиликларни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси. Т. “Адолат” 1996 й. 645 модда.

Буюртмачи иш қабул қилиб олгандан сўнг, унда пудрат шартномасидан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар яъни яширин камчиликларни пудратчи қасддан яширган камчиликларни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт.

Маиший пудрат шартномаси бўйича буюртмачи билан пудратчи ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда истаган тарафнинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши керак.

Экспертиза ўтказиш ҳаракатлари пудратчи зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки пудратчининг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳолатларни нисбатан тадбиқ қилмайди.

Экспертиза харажатларини экспертиза ўтказишни талаб қилган тараф, агар экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан таъйинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди.

Пудрат шартномасида буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиганида, пудратчи шартномага асосан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин буюртмачини икки марта огоҳлантирган ҳолда иш натижасини сотиб юборишга, тушган пулни эса, пудратчига тегишли ҳамма тўловларни олиб ташлаб, нотариал идоранинг депозитига буюртмачининг номига киритиб қўйишга ҳақли.

Пудратчи пудрат нарсасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирган зарарни буюртмачининг ҳисобидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланишга ҳақли.

Агар буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечиктириб кетишига сабаб бўлган бўлса тайёрланган ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтда буюртмачига ўтган деб ҳисобланади.

Буюртмачи бажарилган ишнинг натижасини белгиланган муддатда қабул қилиб олиши лозим. Бажарилган ишнинг натижасини буюртмачи шартномада белгиланган муддатда ва тартибда қабул қилишда уни пудратчи иштирокида кўриб қабул қилади.

Иш натижасини қабул қилаётганда уни ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш бўлса ёки бошқа камчиликлар аниқланганида буюртмачи бу ҳақда пудратчини дарҳол хабардор қилиши керак.

Бажарилган пудрат ишини ёзма тартибда қабул қилиши лозим бўлса, ишнинг қабул қилинганлиги ёзма тартибда расмийлаштирилади. Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликлари аниқланган бўлса, бу камчиликлар ва уларни тузатиш тўғрисида ана шу ҳужжатда ёки алоҳида ҳужжатда кўрсатилган бўлиши керак. Ана шундагина

буюртмачи бу камчиликларни важ қилиб кўрсатишга ҳақли.

Буюртмачи топшириладиган пудрат ишини кўриб, текшириб, синаб кўриши лозим бўлса, масалан: телевизор, радио, машина ва шунга ўхшаш техника воситаларини қабул қилиб олишда уларни қанчалик созланганлиги, тузатилганлигини синаб кўриб қабул қилиши лозим.

Агар буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса ва уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган очик кўриниб турган камчиликлар кейинчалик аниқланса уларни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Буюртмачи ишни қабул қилиб олганида очик кўриниб турмаган яширин камчиликлар, яъни шартномадан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланмаган бошқа камчиликлар кейинчалик аниқланса, шу жумладан пудратчи қасддан яширган камчиликлар кейинчалик аниқланиб қолса, улар аниқланганидан сўнг ўнг кунлик муддат давомида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт.

Бу муддат узрли сабабсиз ўтиб кетса, буюртмачи томонидан қўйилган талабни пудратчи қаноатлантирмаслигига асос бўлади.

Бажарилган пудрат ишининг камчиликлари ёки шу камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда пудратчи ёки буюртмачи экспертиза тайинланиши шарт. Экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар пудратчи зиммасида бўлади. Аммо экспертиза пудрат шартномаси бузилганлигини аниқласа ёки шартноманинг бузилиши билан пудратчининг ҳаракатлари ўртасида ҳеч қандай сабабий боғланиш бўлмаса, экспертиза харажатларини қоплаш, шу экспертизани ўтказишни талаб қилган тараф зиммасига қўйилади.

Анар экспертиза ўтказишни ҳар икки тараф биргаликда талаб қилган бўлса, экспертиза ўтказиш харажатлари ҳар иккаласи томонидан тенг миқдорда қопланади.

“Буюртмачи бажарилган ишни қабул қилиб олиш учун келмаса, пудратчи шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан кейин бажарилган ишни қабул қилиб олиши ҳақида яна икки марта ёзма равишда огоҳлантирилганидан кейин ҳам келмаса, пудратчи иш натижасини сотиб юборишга ҳақли бўлади”.¹

Буюртмачи бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиганида пудратчи шартнома бўйича бажарилган иш натижасини сотиб юбориш ўрнига уни ушлаб туришга ва келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бажарилган ишнинг тасодифан бузилиш ёки нобуд бўлиш хавф хатари ишни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик кодекси. Т. “Адолат” 1996 й. 646-модда.

топширишни ёки қабул қилишни кечиктирган тараф зиммасида бўлади. Агар буюртмачи бажарилган ишни белгиланган муддатда қабул қилиб олмаган бўлса, иш, тайёрланган буюм ёки қайта ишланган ашёнинг тасодифан бузилиши ёки нобуд бўлиш хавфи топширилиши лозим бўлган кундан бошлаб буюртмачига ўтган ҳисобланади.

Маиший пудрат шартномасида пудратчи бажарган иш пудрат шартномасининг шартларига, шартлар бўлмаганида ёки тўлиқ бўлмаганида, тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

Бажарилган иш натижаси буюртмачига топшириш пайтида кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаб билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида шартномада белгиланган фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

Маиший пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар шартномада белгиланган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган пудратчи шунинг мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шарт. Пудратчи белгиланган мажбурий талабларга нисбатан сифат жиҳатидан бир қанча юқори талабларга жавоб берадиган ишни бажаришни пудрат шартномаси асосида ўз зиммасига олиши мумкин.

Бажарилган ишни сифатли деб ҳисоблаш учун шу иш пудрат шартномаси шартларига мувофиқ бўлиши, агар шартномада ишнинг сифати ҳақида тегишли шарт бўлмаса ёки шарт тўлиқ бўлмаганида ва шунга ўхшаш шартларга қўйиладиган одатдаги талабларга мос бўлиши керак.

Ишнинг сифати шартномада кўрсатилган шартлар ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши керак. Бажарилган ишнинг натижасини сифатли деб ҳисоблаш учун яна у маълум бир муддат давомида фойдаланишга яроқли бўлиши керак.

Агар тадбиркор сифатида иш олиб бораётган пудратчи, пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар шартномада белгиланган бўлса, ишни у бундай мажбурий талабларга риоя қилган ҳолда бажариши шарт бўлади.

“Пудратчи қонунда белгиланган мажбурий талабларга нисбатан сифат жиҳатидан бир мунча юқори бўлган талабларга жавоб берадиган ишни бажаришни шартнома асосида ўз зиммасига олиши ҳам мумкин”¹.

Шартнома бўйича келиб чиқадиган жавобгарликлар ва мажбуриятлар қонунимизда асосланган.

Маиший пудрат шартномасида, агар иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Т.1998 й. 30-бет.

ёки уни шартномада белгиланган мақсадлар учун ёки шартномада яроқсизлик ҳақида тегишли шартлар бўлмаган тақдирда одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, буюртмачи ўз хоҳишига кўра пудратчидан:

Камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишни, иш учун белгиланган баҳони мувофиқ равишда камайтиришни, шартномада буюртмачининг камчиликларини бартараф этиш ҳуқуқи белгиланганлигини, уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Пудратчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, буюртмачига шартномани бажаришни кечиктирганлик натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли.

Буюртмачи илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг характериға кўра, уни қайтариб бериш мумкин бўлса, пудратчига қайтариб бериши шарт.

Агар ишдаги пудрат шартномаси шартларидан четга чиқишлар ёки бошқа хил камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса ёки аниқланган камчиликлар буюртмачи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаган бўлса, буюртмачи шартномани бажаришдан бош тортишга ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. “Пудрат шартномасининг муайян камчилик учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги шarti, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилмайди”.¹

Ишни бажариш учун материал берган пудратчи унинг сифати учун сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар бўйича жавобгар бўлади.

Шартнома бўйича бажарилган ишнинг сифати лозим даражада бўлмаслиги учун пудратчи жавобгар бўлади.

Иш пудратчи томонидан шартнома шартларидан четга чиқиб бажарилганлиги сабабли иш натижаъсини ёмонлаштирган бўлса ёки камчилиги бўлса ҳам одатий тартибда фойдаланиш мумкинлиги хусусида шартномада тегишли шартлар бўлмаганида, одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан тайёрланган бўлса, буюртмачи ўз хоҳишига кўра пудратчидан шу камчиликларни маълум бир муддатда тезлик билан бартараф этишни ёки иш учун белгиланган баҳони шу камчиликларга мувофиқ равишда камайтиришни ёки шартномада буюртмачининг камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқи белгиланган бўлса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси. Т. Адолат. 1996 й. 650-модда.

уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Пудратчи ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этишга мажбур. У ишдаги камчиликларни бартараф этиш ўрнига, ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли. Бундай пайтда шартномани бажаришни кичиктирганлик натижасида буюртмачига етказилган зарарни қоплаши лозим.

Камчилиги билан бажарилган иш ўрнига шунга ўхшаш янгидан бепул тайёрлаб бериладиган бўлса, буюртмачи илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг характериға кўра, масалан; тикилган кийим қайтариб бериш мумкин бўлмаса, пудратчига қайтариб бериши шарт.

Агар маиший пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишдаги йўл қўйилган камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса ёки аниқланган камчиликлар белгиланган етарлича муддатда бартараф этилмаган бўлса, буюртмачи шартномани бекор қилиб, келтирилган зарарни қоплашни пудратчидан талаб қилишга ҳақли бўлади.

Пудрат шартномаси бўйича бажарилган ишдаги йўл қўйилган камчиликларни жиддий деб ҳисоблаш учун пудрат иши натижасида мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятини бермайдиган нуқсонлар мавжуд бўлиши лозим. Пудрат шартномасида бажарилган ишнинг муайян камчиликлари учун пудратчини жавобгарликдан озод қилиш хусусида шarti бўлиши мумкин.

Аммо бундай шарт ишдаги йўл қўйилган камчиликлар пудратчининг айбли ҳаракатлари билан ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди.

Ишни ўз материалидан бажарган пудратчи шу материалнинг сифатини лозим даражада бўлмаган товар учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидаларға кўра жавобгар бўлади.

Ишнинг сифати учун пудратчининг жавобгарлигини шартномада белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Пудратчининг жавобгарлиги қонун ҳужжатларимизда рўй берган муҳим янгилик ҳисобланади.

Шартноманинг буюртмачини бундай ҳуқуқдан маҳрум қилувчи шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (Фуқаролик кодексининг 657-моддаси).

Буюртмачи бажарилган иш натижасини қабул қилиш учун келмаган ёки ишни қабул қилишдан бошқача тарзда бўйин товлаган тақдирда, пудратчи буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, бундай огоҳлантиришдан кейин икки ой ўтгач, ишнинг натижасини оқилона нарҳда сотишга, тушган пулни эса, ундан ўзига тегишли бўлган бутун тўловларни чегириб қолиб, Фуқаролик кодексининг 249-моддасига мувофиқ, буюртмачининг номиға депозитға ўтказишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг бу моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда пудратчи иш натижасини сотиш ўрнига уни ушлаб туриш ёки келтирилган зарарни буюртмачидан ундириб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Буюртмачи маиший хизматлар қийматини корхонада амалда бўлган ва тасдиқланган, хизматларнинг ҳар бир турига ишлаб чиқилган калькуляция асосида тузиладиган нарх ва тарифлар бўйича тўлайди.

Маиший хизматларнинг нархи белгиланмаган бир марталик айрим турлари учун бир марталик калькуляция тузилади ва нарх буюртмачи билан келишиб олинади. Пудратчи буюртмачи илтимосига кўра, буюртмани расмийлаштиришда назарда тутилмаган хизматларни бажарган тақдирда буюртмачи уларнинг қийматини қўшимча тарзда тўлайди. Корхона иш билан тўлиқ таъминланмаган даврда аҳоли талабини ошириш мақсадида корхона хизматларнинг амалдаги нархларидан мавсумий чегиришларни қўллашга ҳақлидир.

Пудратчининг хизматлар кўрсатиш вақтида ишлатиладиган ва хизматлар қийматига киритилмаган материаллари (хом ашё, буюмлари) қиймати буюртмачи томонидан корхонада белгиланган нархлар бўйича қўшимча равишда тўланади. Пудратчи шартнома шартларини бажармаган тақдирда маиший хизмат кўрсатишнинг алоҳида шартлари ва қўшимча турлари учун назарда тутилган устамалар (қўшимча ҳақ) ундирилмайди.

Кўрсатилган хизматлар қийматини тўлашда «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш коидалари»га асосан, қуйидаги тартибга риоя қилиниши керак:

Радиоэлектрон аппаратлар, пойабзал, кийим-кечакни тузатиш, сартарошлик хизматлари учун ҳақ буюртма бажарилгандан кейин олинади;

Мураккаб уй-рўзгор техникасини тузатиш хизмати учун буюртмачи пудратчи билан келишилган, аммо 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан ҳақ тўлайди;

Мебелни тайёрлаш ва тузатиш, уй-жой ва турар жой бўлмаган биноларни тузатиш ва қуриш, пойабзал тайёрлаш ва якка тартибда кийим тикиш бўйича хизматлар учун буюртмачи буюртмани расмийлаштиришда иш қийматининг 50 фоизи миқдорида бўнак тўлаши керак;

Тантанали тадбирларда хизмат кўрсатиш, маросимларни ўтказиш, аҳолини курсларда ўқитиш (ҳақи бир ой олдин тўланади) кинофотолаборатория ва сураткашлик, кимёвий тозалаш, кир ювиш, овоз ёзиб олиш студиялари, транспорт, маълумот-ахборот, воситачилик ва комфорт хизматлари учун тўловлар буюртмани расмийлаштиришда тўлиқ тўланади.

Маиший пудрат шартномасида ишнинг баҳоси тарафларнинг келишуви билан белгиланади ва у пудратчи эълон қилган прејску-рантда кўрсатилганидан юкори бўлиши мумкин эмас. Пудратчи ишни бутунлай топширганидан сўнг буюртмачи унга

ҳақ тўлайди. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, буюртмачи шартнома тузилаётганда, иш учун ҳақни тўлиқ ёки бўнак бериш йўли билан тўлаши мумкин.

Буюртмачи исталган хизмат турини расмийлаштиришда ўз хоҳишига кўра, унинг қийматини тўлиқ тўлаши мумкин. Пудратчи томонидан тайёрланган ва тузатилган буюмларнинг кафолат муддатлари амалдаги стандартлар, техник шартлар билан аниқланади ва тайёр буюртма эгаси томонидан олинган кундан бошлаб ҳисобланади, буюмлар буюртмачи айби билан ўз вақтида олинмаган тақдирда — шартномада кўрсатилган буюртмани бажариш муддати тамом бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Буюртмачи маиший хизмат сифатига оид эътирозларни буюртмани қабул қилиш ва бериш жойида белгиланган кафолат муддатлари Тугобайнида, кафолат муддати бўлмаган буюмларга эътирозларни эса буюртмани олиш вақтида билдиришга ҳақлидир. Буюртмани уйда бажариш учун ходимлар буюртмачи билан келишилган вақтда келмаса, буюртмачи пудратчидан етказилган моддий зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Пудратчи буюртмачи эътирозини дарҳол, кўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қилади-ганларини эса эътироз билдирилган кундан бошлаб, 15 кун мобайнида кўриб чиқиши керак.

Пудратчининг шартнома шартларидан иш сифатини ёмонлаштирадиган даражада четга чиқиши ёки бошқа камчиликлар билан боғлиқ даъволар буюртмачи томонидан иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида, агар нуқсонларни ишни қабул қилиб олишнинг оддий усулида аниқлаш мумкин бўлмаса, иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб, бир йил мобайнида берилиши мумкин.

Қурилма ва иншоотлардаги ишни қабул қилиб олишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган камчиликларга оид даъвони буюртмачи иш қабул қилиб олинган кундан бошлаб, уч йил мобайнида бериши мумкин. Агар шартномада кафолат муддати назарда тутилган ва ишдаги нуқсонлар тўғрисидаги мурожаат кафолат муддати доирасида берилган бўлса, даъво муддати нуқсон тўғрисида мурожаат қилинган кундан бошланади.

Пудратчи буюртмани бажариш муддатини бузган тақдирда, у буюртмачига ҳар бир кун учун буюртманинг буюртма қабул қилинган пайтдаги қийматининг 1 фоизи миқдорида, лекин иш ёки буюртма қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Буюртмачи бажарилган буюртмани ўз вақтида олиб кетмаган ҳолларда пудратчи буюртмачидан қвитанцияда кўрсатилган буюртмани бажариш муддати тамом бўлган кундан бошлаб кечиктирилган ҳар бир кун учун иш қийматининг 1 фоизи миқдорида, лекин иш қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундиради. Буюртма сифатсиз бажарилган тақдирда пудратчи буюртмачига иш ва хизматларнинг

буюртмани бажариш вақтидаги қийматининг 20 фоизи миқдорида неустойка тўлайди.

Буюртмачига тегишли бўлган буюм (материал, хом ашё)ни тўлиқ ёки қисман йўқотган (ишдан чиқарган) пудратчи уч кун муддатда уни худди шундай буюм (материал, хом ашё) билан алмаштириши ёки буюртмачига етказилган зарарни шу вақтда амалда бўлган нархларда қоплаши керак. Пудратчи ва буюртмачи ўртасида юзага келган низолар пудратчилдр раҳбарияти томонидан ёки суд орқали ҳал қилинади.

ХУЛОСА

“Маънавият – инсонни руҳан поклаш, қалбан улуғлашга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғатадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, маънавиятли инсонгина ўз олдида қўйган мажбуриятларини ҳеч – қандай кўнгилсиз тўсиқларга дуч келмаган ҳолда амалга оширади.²

Ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислоҳатларнинг муҳим жиҳати бозор иқтисодиётини тартибга соладиган қонунчилик базасини юзага келтириш ва уни изчил такомиллаштириб боришда намоён бўлади.

Қабул қилинган янги қонунлар асосида иқтисодиётимизда вужудга келган янги муносабатлар тартибга солина бошлади. Бунинг изчил механизми яратилди. Мана шу механизмда юридик жавобгарлик институти алоҳида ўринни эгаллайди³. Бу мулккий яъни фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликларни воситаси бозор иқтисодиёти субъектлари ўртасидаги муносабатларни тенг таъминланишида иштирок этади.

“Биз мулк ва мулкдорлар масаласини ечишда умумэътироф этилган тамойиллар билан бирга ўзимизга хос миллий хусусият ва ҳаёт тарзини инобатга олганмиз. Айни шундай ёндошув ва олиб бораётган сиёсатимизда ижтимоий – сиёсий барқарорликни сақлашда, иқтисодиётимизни ишончли пойдевори ва тез суръатлар билан ўсишини таъминлашда мустаҳкам омил бўлиб келмоқда”⁴.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришда мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари яратилганлиги асосий ҳуқуқий омил бўлиб хизмат қиладди.

Конституция мулкдорларининг ишончли ҳуқуқий кафолати, давлатнинг юридик таянчи, миллий ҳуқуқий тизим ўзаги, халқ ҳоҳиш-иродасининг рамзий тимсолидир. Конституция мустақилликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш баробарида буюк давлат келажагини белгилайдиган, ёруғ ва чароғон қиладиган бахт ва иқболимиз асосидир.

Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Давлатнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ”. Субъектларнинг мулккий ваколатларини амалга оширишда ва улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳимоясини таъминлашда Конституциявий кафолатлар муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

¹ Рин хусусий ҳуқуқи. Дарслик муҳаррир Х.Раҳмонкулов 2002 й. 76-бет.

² И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” 2008 йил. 19-бет .

³ Журнал. Ҳуқуқ ва бурч. 6-7 сон. 2006 йил.

⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон Либарал демократик партияси қурилтойидаги маъруза. 2007 йил 6- ноябрь.

усулларидан бири гаровдир. Мол - мулкни ҳимояси сифатида қўлланиладиган усулдир.

Темур тузукларидаги ўзгалар мулкига зарар етказмаслик ҳақидаги қоидалар бизнинг мулкчилик қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган. “Хусусан турли миллатлар аҳолисига муносабат, уларнинг аҳолидан хабардор бўлиши асносида уларнинг мол-мулкни, буюмларини талон- таровдан сақлансинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларини эгаларига қайтариб берилишини текширсинлар”.¹

“Жамиятимизда мулкий муносабатларимизнинг такомиллашуви фақат мулкка эгалик туйғусини, балки уни асраб –авайлаш, сақлаш, ҳавсизлигини таъминлашни талаб этади. Миллий қонун ҳужжатларини тизимли таҳлил қилиш нуқтаи назаридан мулкдор шахсининг ҳавфсизлиги ва унинг мулкига зарар етказишнинг олдини олиш ва ишончли ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ таъсирчан чораларни кўриш ҳамда мулк дахлсизлигини амалда таъминлашга эришиш нафақат қонун ижодкорлик фаолиятининг, қолаверса, ҳукуқини қўллаш амалиётининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади”²

Маиший пудрат шартномаси бошқа шартномалардан бутунлай фарқ қилади, ўзининг хусусиятлари билан ажралиб туради. Бизнинг қабул қилинаётган қонунларимизни фуқароларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатларини кўзлаган ҳолда қабул қилмоқда деб билсак, маиший пудрат шартномаси ҳам айнан фуқаро учун алоҳида қонун сифатида тан олиниши мумкин бўлган шартнома ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда, маиший пудрат шартномаси юзага келади.

Маиший пудрат шартномаси орқали фуқароларнинг маиший ва шахсий эҳтиёжлари амалга оширилади. Пудрат шартномасининг бир тури сифатида ажратилади.

Фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини таъминлаш учун буюртмачи билан пудратчи ўртасида шартнома тузилади. Тузилган шартномага асосан тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади. Шартномага асосан буюртмачи ҳуқуқларининг кафолатлари, шуни пудратчининг материалидан фойланиб бажариши, шуни буюртмачининг материалидан фойдаланиб бажарилиши, бажарилган ишда камчиликлар борлигини аниқлаш оқибатлари, буюртмачи иш натижасини қабул қилиш учун келмаслик оқибатлари, маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда буюртмачининг ҳуқуқлари қонунимизда аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб қўйилган.

Бу қонунлардан фуқаролар тўғри ва унумли фойдаланиб келмоқда, сўзимни исботи сифатида шуни айтмоқчиманки, Президентимиз И.А.Каримов ўзининг

¹ Темур тузуклари. Форсчадан таржима. А.Соғуний. Х.Караматов. Т.”Шарқ” 2005. 118 бет.

² Журнал. Фалсафа ва ҳуқуқ. 3- сон 2009 йил 60-бет.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли асарида шундай фикрлар билдирган:

“Ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат заҳиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига қўпайиб бормоқда”.¹

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятининг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли заҳирасидир.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшларни фаолиятининг янги илғор тармоқлари ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли заҳирасидир.

Республикамизнинг ҳар бир фуқаросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин ташлаш учун чинакам имкониятлар яратилди.

Шу имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда фуқаролар ўртасида маиший пудрат шартномалари жуда кенг тартибда амалга оширилмоқда.

Сўзимнинг охирида шуни хулоса қиламанки, маиший пудрат шартномаси ҳозирги Мустақил Ўзбекистон учун мос келадиган, асосан фуқаролар учун кундалик ҳаётдаги энг зарур бўлган шартнома ҳисобланганлиги учун бу шартномага янада эътиборни кучайтиришни таклиф қиламан.

Чунки, кундалик ҳаётдаги маиший ва шахсий эҳтиёжларимизни амалга ошираётганимизда ҳар хил қийинчиликларга дуч келамиз. Буларни ўз вақтида ҳал қилолмай, анчагина вақт кетказамиз. Буларни ўз вақтида ҳал қилишимиз учун пудрат шартномаси ва маиший пудрат шартномасида кўрсатилган барча ҳуқуқ, мажбуриятларни, кафолатларни, материалдан фойдаланиш тартибларини, камчиликларни ўз вақтида аниқлашимиз лозим.

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 254-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва манбалар

Рахбарий адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. “Ўзбекитсон мустақилликка эришиш оstonасида”. “Ўзбекистон”Тошкент.2011 й.
2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий - иқтисодий инқироzi”, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т. “Ўзбекистон” 2008 йил.
3. И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т. “Маънавият”2008 йил.
4. И.А.Каримов. “Ўзбекистон ХХIаср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид ва барқаролик шартлари” Т., “Ўзбекитсон”1997 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси “Ўзбекистон” нашриёт - матбаа ижодий уйи. 2010 й.

Асосий адабиётлар рўйхати

- 1.Ўзбекистон Республикаси фуқаролик додексига шарх 1-жилд. Тошкент “VEKTOR - PEES” 2010 йил.
2. Фуқаролик ҳуқуқи. Иккинчи қисм. Тошкент. “Илм-зиё” 2008 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик клдексига шарх. Тошкент “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи.1998 йил. 2-қисм.
4. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. Тошкент. “Адолат” 2007 йил.

Қўшимча адабиётлар рўйхати

1. Юридик энциклопедия. Тошкент “Шарқ” 2010 йил.
2. Шартнома ҳуқуқи. Москва Statut 2002 йил.